

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2020 йил 26 июндаги
№525/02-11-сонли хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 26

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ташаббускорлик асосида.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Акфа Университетига замонавий ўқув бинолари, ўқув-амалиёт бинолари, кампуслар, спорт иншоотлари қуриш ва жиҳозлаш учун Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Унқўрғон ҚФЙ, Парвоз МФЙ ҳудудида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли “Манзарали боғдорчилик ва гулчилик” МЧЖ балансида бўлган 29,48 га ер майдонини доимий фойдаланишга ажратиб бериш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Акфа Университети” МЧЖ;

давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хукуqlари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида,

шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Университет биргаликда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестиция шартномасини тузсин. Инвестиция шартномасида кутилаётган ижтимоий-иктисодий самара ва янги иш ўринларини яратиш ҳажми ўрганилган ҳолда, солиқлар ва тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар бериш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш ва қонунчиликда белгиланган бошқа бир қатор имтиёз ва преференциялар бериш тартиби келишилсин.

Қарор лойиҳасининг 3-бандида Тошкент вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Университетга замонавий ўкув бинолари, ўкув-амалиёт бинолари, кампуслар, спорт иншоотлари қуриш ва жиҳозлаш учун Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Унқўрғон ҚФЙ, Парвоз МФЙ худудида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли “Манзарали боғдорчилик ва гулчилик” МЧЖ балансида бўлган 29,48 га ер майдонини доимий фойдаланишга ажратиб бериш кўзда тутилмоқда.

6.2. Қарор лойиҳасининг 4-бандига асосан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Акфа университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 130-сон қарорида университетга белгиланган шартлар ҳамда имтиёзлар ушбу қарор кучга киргандан бошлаб 3 йил муддатга тўлиқ қўлланиши;

истисно тариқасида, 2021 йил 1 апрелга қадар қурилиш ишларини лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши билан бир вақтда олиб бориш ҳамда лойиҳа хужжатларини дунёнинг илфор (Корея, Германия, Туркия) давлатлари қурилиш нормалари асосида амалга оширишга рухсат берилиши белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Университет биргаликда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестиция шартномасини тузсин. Инвестиция шартномасида кутилаётган ижтимоий-иктисодий самара ва янги иш ўринларини яратиш ҳажми ўрганилган ҳолда, солиқлар ва тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар бериш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш ва қонунчиликда белгиланган бошқа бир қатор имтиёз ва преференциялар бериш тартиби келишилсин.

Қарор лойиҳасининг 3-бандида Тошкент вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Университетга замонавий ўкув бинолари, ўкув-амалиёт бинолари, кампуслар, спорт иншиотлари қуриш ва жиҳозлаш учун Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Унқўрғон ҚФЙ, Парвоз МФЙ худудида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли “Манзарали боғдорчилик ва гулчиллик” МЧЖ балансида бўлган 29,48 га ер майдонини доимий фойдаланишга ажратиб бериш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3677-сонли қарорининг 1-бандига асосан 2018 йил 1 июлдан бошлаб **юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-IJRO AUCTION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилган.**

7.2. Қарор лойиҳасининг 4-бандига асосан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Акфа университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 130-сон қарорида университетга белгиланган шартлар ҳамда имтиёзлар ушбу қарор кучга киргандан бошлаб 3 йил муддатга тўлиқ қўлланиши;

истисно тариқасида, 2021 йил 1 апрелга қадар қурилиш ишларини лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда олиб бориш ҳамда лойиҳа хужжатларини дунёнинг илфор (Корея, Германия, Туркия) давлатлари қурилиш нормалари асосида амалга оширишга рухсат берилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган **бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равища бериши таъқиқланиши кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарорига асосан солиқ ва божхона имтиёzlари ҳамда преференциялар қонунлар ва **Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, худудлар учун берилиши, вақтинчалик имтиёзлар** Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши, индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки

иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши кўрсатилган.

“Акфа университети” МЧЖга имтиёз бериш таълим бозорида фаолият олиб бораётган бошқа хусусий таълим муассасаларига нисбатан устунлик берилишига олиб келади ва рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади.

Ушбуларни инобатга олиб, қарор лойиҳасининг 4-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошиларни чиқариб ташлаш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарор лойиҳасини амалдаги қонунчилик талабларига мослаштириш зарур ҳисобланади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қарор лойиҳасини қабул қилиниши оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликлар берилиши “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли қарори талабларига зид эканлигини инобатга олиб, қарорни мазкур қонунчилик ҳужжатлари талабларига мослаштирилгандан сўнг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.